



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021-yil 22 - aprel

875u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Юсупова Анагулнинг
турар жой биносига бўлган эгалик
хуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Саҳоват” маҳалласида яшовчи фуқаро Юсупова Анагулнинг “Саҳоват” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик хуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 15 мартдаги ШЯ-Ю-1066-сонли аризасини, “Саҳоват” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 12 мартдаги 807-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Саҳоват” маҳалласида жойлашган 6 (олти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 76,50 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 87,25 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 163,75 квадрат метр, қурилиш ости майдони 213,75 квадрат метр, умумий ер майдони 769,9 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Юсупова Анагулга мулк хуқуқи асосида унга эгалик хуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Юсупова Анагулга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш хуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Юсупова Анагулга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев